



«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм» ибораси «Басмала» дейилади. Осим кироатига кўра, басмала Фотиҳа сурасининг биринчи оятидир. Ханафий мазҳаби уламолари наздида у сурани очиш учун, суралар ўртасини ажратиш учун нозил килинган мустакил оятдир. Хар икки карашга кўра ҳам, басмала Куръони Каримдан бир оят ҳисобланади. Хатм деганда Куръони Каримни тўлиқ ўқиб чиқиш тушунилар экан, бунда бирор оят истисно килинмаслиги керак. Шунга кўра, намозда жамоатга хатм килинганда, яъни Рамазондаги таровехларда басмалани бир бора бўлса ҳам жамоатга эшиттириш керак бўлади. Биз бу ҳақда мазҳабимиз манбаларига мурожаат киламиз.

Мухаммад Шафиъ Усманий раҳматуллоҳи алайҳ «Маъорифул Куръон»да айтади: «Бутун Ислом аҳли басмала Намл сурасининг бир бўлаги эканига иттифок килишган. Уни Тавба сурасидан бошқа барча суранинг аввалида ёзишга ҳам иттифок килишган. Мужтаҳид имомлар тасмия Фотиҳа сурасининг ва бошқа сураларнинг бир бўлагими ёки бошқами экани ҳақида ихтилоф қилганлар, ҳолос. Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳ: «Басмала Намлдан бошқа бирорта суранинг жузъи эмас, балки у мустакил бир оят бўлиб, суралар ўртасини ажратиш учун нозил килинган», деганлар. Бинобарин, басмала ҳам Куръоннинг бир жузъи ҳисобланиб, уни бетаҳорат ушлаш жоиз эмас». Бундан маълум бўладики, хатми Куръон чоғида агар басмала ўқилмаса, хатм тугал бўлмай, бир ояти тушиб қолган бўлади. Одатда ўқувчи хар сурада басмала айтади. Аммо бизнинг мазҳабимизда намозда

басмала махфий айтилгани учун таровехда жамоатга хатм килинганда тингловчилар басмалани эшитмайди. Шу боис жамоатнинг таровехдаги хатмиси тугал бўлиши учун басмалани таровех мобайнида бир марта жахрий ўқиш тавсия этилган. Шунда жамоатнинг суннати муаккада хисобланган хатм килиш амали тўқис бўлади.

Ашраф Алий Тахонавий раҳматуллоҳи алайҳ «Имдодул фатово» асарида яна куйидагиларни айтади: «Басмала сураларнинг ўртасини ажратувчи мустақил бир оятдир. У Куръоннинг бир жузъи. Бунинг тақозоси шуки, эшитувчиларнинг хатмиси тўқик бўлиши учун хатм мобайнида қайсидир ўринда басмалани жахрий ўқиш керак». Юртимизда ўтган улуг Куръон устозларидан Муҳаммад Мубин қори дада ҳам: «Таровехларда басмалани бир марта жахрий ўқиш керак», деб айтган. У қиши одатда ан Нас сурасидан олдин басмалани жахрий қилар экан. Баъзилар биринчи қуни Фотиҳадан ёқи Бақара сурасидан олдин басмалани жахрий ўқишни тавсия қилишган. Фотиҳада жахрий қилинса, Осим қироатиға ҳам мувофиқлик бўлади, дейишади баъзилар.

Шу ўринда «Осим қироатида басмала Фотиҳанинг биринчи ояти бўлса, ханафий ва молиқий мазҳабларида у Фотиҳадан бўлмаса, ушбу мазҳабдаги қишилар намозда Осим қироатида қироат қилганларида нима қиладилар?» деган савол тугилиши мумкин. Бунга уламоларимиз, жумладан, Тахонавий раҳматуллоҳи алайҳ: «Намоздан ташқарида қироат имомига эргашилади, аммо намозда фуқоҳоларнинг сўзлариға амал қилинади», деб жавоб берганлар. Фақат хатмда истисно равишда юқорида айтилгандек иш тутиш мумкин.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид